

O'zbek tilshunosligining dolzarb masalalari

**RESPUBLIKA
ILMIY-AMALIY
ANJUMANI**



JIZZAX-2022

UDK: 821.512.133.09.

"O'ZBEK TILSHUNOSLIGI DOLZARB MUAMMOLARI"

Respublika ilmiy – amaliy konferensiya materiallari.

Jizzax. – 2022 yil 31-may. 284 b.

Ushbu ilmiy to'plam O'zbekiston Respublikasi Vazirlar O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2022-yil 7-martdagi 101-F-son farmoyish

bilan tasdiqlangan. Reja bo'yicha Jizzax davlat pedagogika institutida 2022-yil 31-mayda Jizzax shahri Abdulla Qodiriy nomidagi Jizzax davlat pedagogika institutida "O'zbek tilshunosligi dolzarb muammolari" mavzusidagi O'zbekiston Respublikasi Oliy ta'lim vazirligi miqyosidagi bo'lib o'tadigan ilmiy anjuman tezislaridan iborat.

Mas'ul muharrir

Musayev Abduvali

filologiya fanlari nomzodi, dotsent

Nashrga tayyorlovchilar

Jo'raev Jamoliddin filologiya fanlari nomzodi, dotsent

Almamatova Shahnoza filologiya fanlari nomzodi, dotsent

Abduvaliyeva Dilnoza filologiya fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD), dotsent

Taqrizchilar

Usmonjon Qosimov, filologiya fanlari doktori,

Sunnatulla Soyipov, filologiya fanlari nomzodi, dotsent

Tahrir hayati a'zolari

Dots. S. Soyipov, f.f.f.d., (PhD) S.Do'stova, f.f.f.d., (PhD) F.Jumaeva. f.f.f.d., (PhD) X.Ibragimov, katta o'qituvchilar A.Abduvaliev, Z.Abduvalieva, L.Ibragimova, A. Usmonov, O.Mamirov, Sh. Xoldora, D. Rajabova, D. Imomova, D.Artikova, M. Abduhalikova

Musahhih

Zubayda Qarshiboeva

To'plamda nashr etilgan maqola va tezislar mazmuni hamda saviyasiga mualliflar mas'ul.

21	<i>Туропова П</i> Иброҳим Дониш шеърларида ифтихор ва ватан туйғуси талқини.....	62
22	<i>Сойбназарова М.Н</i> Фитрат педагогик қарашлари.....	65
23	<i>Jo'rayev J, Nomurodov.B</i> Eroniy tillardan o'zalshgan qurilishga oid atamalarini "klaster" metodi yordamida o'rganish.....	68
24	<i>Сойбназарова М.Н</i> Абдулла Авлоний асарларида таълим тарбия масалалари.....	73
25	<i>Abduvaliyeva Z</i> Shevalarga xos so'zlarning semantik xususiyatlari.....	77
26	<i>Usmonqulova I., Abduvaliyeva D</i> Omonimiya hodisasini o'qitishda folklore namunalaridan lingvistik mashq sifatida foydalanish.....	79
27	<i>Ibragimov X, Egamova D</i> Alisher Navoiyning "Hayrat ul-abror" dostonida xizmat, yumush ma'nosini anglatuvchi ayrim so'zlar.....	83
28	<i>Шомуродова С</i> Янги давр девонларида шеърини ўлчов.....	84
29	<i>Ибрагимова Л, Ирисова К</i> Бадий асар таҳлилида сарлавҳаларнинг ўрни.....	87
30	<i>Ибрагимова. Л, Д.Шодиева</i> 7-синфда ҳамид олимжон бадияти.....	89
31	<i>Rajabov B, Boymatova D</i> O'tkir Hoshimov asarlaridagi frazemalarning psixolingvistik xususiyatlari.....	92
32	<i>O'rolov A</i> Ulug'bek Hamdamning "muvozanat" romanida uchlik falsafasi.....	95
33	<i>Urazova N</i> Terminlarning lisoniy manzarasi.....	97
34	<i>Matyakubova N, Abduvaliyeva D</i> So'z birikmasi sintaksisini o'qitishda badiiy matndan foydalanishning ahamiyati.....	98
35	<i>Temirova M</i> Adabiyot darslarida adiblarning tarjimai holidagi ayrim yutuq va kamchiliklar.....	101
36	<i>Rahimova Z. B, Do'stova S</i> "Yulduzli tunlar"dagi arabcha o'zlashmalar.....	105
37	<i>Jurayeva D</i> Ogahiy she'riyatida sifatlarining qo'llanilishi.....	107
38	<i>Mamitova M</i> Kitobxonda mumtoz badiiy tafakkur tarzini shakllantirish.....	110
39	<i>Abduvaliyev R, Abduvaliyeva Yu</i> Maktablarda Ona tili fanini o'qitishda milliy xalq o'yinlaridan foydalanish.....	113
40	<i>Qosimova M, Abduvaliyeva D</i> Ifoda maqsadiga ko'ra matn turlari (o'tkir hoshimov asarlari misolida).....	115
41	<i>Saydivaliyeva D, Lutfulla Sindorov</i> O'tkir Hoshimovning frazeologizmlardan foydalanish mahorati.....	120
42	<i>Xoldorova Sh., Tilovova H</i> Ko'p ma'noli so'zlar va omonimlar qiyosi.....	122
43	<i>Махаммадиев Х.Л.</i> Алишер Навоий "Хамса" дostonларида ясама сўзлар.....	125
44	<i>Xoldorova Sh., Mizomova F</i> Tire va qo'shtirnoqning qo'llanish holatlari	

ИБРОҲИМ ДОНИШ ШЕЪРЛАРИДА ИФТИХОР ВА ВАТАН ТҶҲҲҲҲ ТАЛҚИНИ

Туропова Паризод Шавкат қизи,
ЖДПИ катта ўқитувчиси ф.ф.ф.д (PhD)

Маълумки, ўтмишда шоиру шоираси, олиму олимаси бўлган халқ энг бахтли халқ ҳисобланган. Чунки халқ ўз аламлири, севинчларини уларга айтган ё бўлмаса, халқнинг юрагидаги орзу – ниятларини ўз шоиру олимлари бутун оламга, одамларга ўз яратиклари билан етказган. Яна шуни алоҳида қайд қилиш жоизки, истиқлол сабабли қадимий анъаналарга бой адабиётимизнинг ижодий имкониятлари ҳам кенгайди. Энди қалам аҳли ўз миллатининг ҳаққоний тарихи, Ватан озодлиги, халқнинг яшаш тарзи ва орзу–армонлари ҳамда анъаналари, юртдошларининг дарду шодликлари ҳақида куйлаш, нафақат куйлаб, балки жаҳон адабий тафаккури анъаналари мезонига жавоб бера оладиган юксак ижод намуналарини яратиш имкониятига эга бўлди.

Киши ўз аجدлари томонидан яратилган маънавий меросга, боболаридан ёдгорлик бўлиб қолган она юртга муҳаббат руҳида тарбияланган бўлса, унинг миллатпарварлиги ва ватанпарварлигидан таъсирланиш ва илҳомланиши ҳам табиий бир ҳол ҳисобланади. Албатта ижодкор қайси халқ фарзанди бўлса, у шу халқ дарди, кечаги изтироблари ва айни дамдаги шукроналарини тирапроқ куйлайди.

Дарҳақиқат, "...Ватан бизга ато этилган улуг неъмат экан: Ватанга муҳаббат ҳам ҳар биримизга берилган улуг неъматдир"⁴⁵. Ватан барчамиз учун муқаддас экан, ана шундай ватанин севган ва мадҳ этган ватанпарвар шоирларимиздан бири, Республикада хизмат кўрсатган маданият ходими, Ўзбекистон журналистлар ва ёзувчилар уюшмаси аъзоси, Жиззах адабий муҳитининг намоёнаси Иброҳим Донишдир.

Болалар шоири бўлган Иброҳим Дониш "Помидор нега қизил?", "Дилоромнинг қўшиги", "Чарогон юлдузлар", "Тушдаги саргузашт", "Ҳандалак", "Меҳнатдан топилган бахт", "Етимнинг бахти" номли китоблари, "Чўл фарзанди", "Қўштерак афсонаси", "Алпомишнинг тўйи", "Ҳаёт китоби" номли достонлари, "Армон", "Маҳаллам ва маҳалладошларим" номли балладалари, "Ўчмас хотиралар" номли қиссаси ва "Қўшниллар можароси", "Номус қурбони", "Эл Соадати" билан кенг китобхонлар оммасига яхши таниш. Дарҳақиқат,

Дунёда ҳеч ўлмади десанг,

Қолдир юртда яхши ном.

Авлодларинг эслар шунда,

Эъзозлар сени мудом!⁴⁶ – деб куйлаган ва бу сўзларни ўз ҳаётига дастурамал қилиб олган шоир ўзидан ўзбек адабиётига, хусусан Жиззах адабий муҳитига катта адабий мерос қолдирди.

Нуксоним йўқ дема, доғ бор ойда ҳам,

Бир камлик сезилгай ҳатто бойда ҳам.

Билимин пеш қилиб бурнинг кўтарма,

Камтар камол топар ҳамма жойда ҳам! (70–бет).

⁴⁵ Шарафиддинов О. Маънавий қамолот йўллари. –Тошкент, 2001. –Б.26

⁴⁶ Иброҳим Дониш. Ҳаёт китоби.–Жиззах: Жиззах вилояти матбуот бошқармаси қошидаги нашрилик–муҳаррирлик бўлими, 1998. –Б. 63

Шоир шеърларини кузатар эканмиз, уларнинг болаларча соддалик ва самимийликдан иборатлигини кўриш мумкин. Шоир она юрт манзараларига эстетик муносабатда бўлиш орқали Ватан образини бунёд этади. Хусусан, болалик тасаввурларининг бокира хотираларидан Ватан сизиб чиқади. Лирик қаҳрамон харақатининг моҳиятини, дунёни ҳис этиш ва туйишининг ҳаётийлигини таъминлайди:

Ўзбекистон хур Ватан,
Бағри тўла нур Ватан.
Чаман–чаман ҳар ёғи,
Бахтга маскан қучоғи (70–бет).

Шоир шеърининг жуда кўпчилик қисмини Ватан ҳақида битилган қўшиқлар дейиш ҳам мумкин. Унинг шеърларида Ватан туйғуси алоҳида, ўзига хос рангларда товланади. Бу меҳр унга умрининг ҳар бир сониясида ҳамроҳ, ёниб, нур ва ҳарорат таратиб туради. Шоирнинг ҳар бир шеъри эса ундан руҳ олиб, қудрат олиб ўқувчи қалбига қуйилади, унга қувонч бағишлайди. **Шоирнинг лирик қаҳрамони Ватанини она қабри меҳрибон, қалби қайноқлигини, унинг бағрида эркаланиб улғайишини, бунга эркин дённинг фарзанди эканлиги, тамғасида Хумо қуши рамзи борлиги ҳам буни исботи эканлигини фахр–ла тилга олади:**

Тамғамизнинг ўртасида,
Хумо қуши–бахтимиз.
Келажакда қанлар сирин,
Осмоқ бизнинг аҳдимиз⁴⁷.

Шеър ўқувчининг ватанга муҳаббатини кучайтиришга хизмат қилади. Шеър бадияти, тузилиши, шакли жиҳатидан мукамаллик касб этади, таъсирчанлиги, мазмундорлиги билан болажонлар қалбидан тезда ўрин олади:

Ватан она, бизлар унга,
Эркатой ўғил–қизлар.
Соф юртимиз осмони,
Биз ердаги юлдузлар (13–бет).

“Музыка ўзаро уйғунлик тутаган, оҳанг товушга айланган, бизнинг ҳиссимиз ва кечинималаримизга мос табиатдаги тартибсиз оҳанглар тартибланишига киришган жойдан бошланар” [Камбо А, 1997;185], –экан шоирга юртига бўлган юксак туйғу, муҳаббат қалам тутказган. Шоир қалбидаги туйғунинг ифодаси, акс–садоси, шеърнинг ҳар бир сатрида янграйди, шу боис у болажонлар қалбидан тезда ўрин олади:

Давлатимиз мадҳияси,
Жўр бўлишиб қуйлаймиз.
Ёш бўлсак ҳам Ватанимиз,
Келажакнинг ўйлаймиз (13–бет).

Шоир шеърларидан кўриниб турибдики, Ватан, мадҳиямизга муҳаббат мотивлари шоир шеърларида муҳим ўрин эгаллайди. Ватан мавзусини юксак пардаларда қуйлаш аслида барча миллатпарвар шоирларга хос муштарак хусусият экан, айтиш мумкинки, Иброҳим Дониш ҳам анъана давомчиси. Бу жиҳатдан “Ватан” шеъри алоҳида

⁴⁷ Иброҳим Дониш. Тушдаги саргузашт. –Житзах.: Санъор, 2004. –Б.13

эътиборни тортади. Шоир Ватан тушунчаси моҳиятини аجدоддан-авлодга ўтувчи ўлмас мулк сифатида болаларга қуйидагича содда илиб тушунтиради:

**Бизникидир ер-у осмон,
Бизникидир кенг жаҳон.
Мустақил юрт бағрида биз,
Улғаймиз тинч, омон (13-бет).**

Шоир болалар ва ўсмирларга атаб асар битар экан, ўзи ҳам улар билан руҳан пайванд бўлиб, руҳан қўшилиб кетгандай бўлади. Унинг шеърларининг мағиз-мағизга она юртга ифтихор, фахрланиш, муносиб ворис бўлишга интилиш гоялари сингдирилганлигини шохиди бўламиз. Шоир ўз шеърларининг туб моҳиятига она Ватан, миллий ифтихор, ўз тили ва тарихига бўлган муҳаббатит уйғуларини жо этади.

**Қалбимизга нур берган,
У китоб-худди офтоб.
Истиқлол-иқболимиз,
Ёзилгандир бобма-боб.**

Шоирнинг бадний маҳорати шеърларида шакл ва мазмуннинг ўзаро мутаносиблигига эътибор қаратишида ёрқин кўринади. Поэтик мазмун халқчиллиги, соддалигини оширишда содда сўзлардан маҳорат билан фойдаланди.

**Конституция деб,
Аталган қомусимиз.
Китобларининг сараси
Удир ор-номусимиз(13-бет).**

Иброҳим Дониш ижоди тадрижи кузатилганда, унинг дастлаб болалар учун кичик-кичик шеърлар ёзганлиги ва жараён тўлишиб, дostonлар яратганлигига гувоҳ бўлиш мумкин. Адибнинг кадрдони Ёдгор бахши, устози Қуддус Муҳаммадий хотирасига бағишлаб ёзган “Етимнинг бахти” достони шоир ижодида алоҳида аҳамият касб этган. Достон юқори савияда завқ-шавқ билан ёзилган: “Кун чиқиш тарафи Сирдарёга, қуёш ботиш томони Самарқандга, бир томони Қозоғистонга, бир томони Тожикистонга туташ, тарихи Бухорога ўхшаш бўлган Жиззах вилоятида одамлари шўх-шодон кулган, қизлари ўн беш кунлик ойдай тўлган, боғларида булбуллар сайраган, кўрганларининг кўнгил яйраган, аёллари пазанда, чевар, йигитлари зап меҳнатсевар бир қишлоқ бор эди. Дастурхонида ҳамини сариёк, пишлоқ тайёр эди. Қишлоқнинг номини “Мўлкан” дердилар, “бойлиги бехисоб зўр кон” дердилар” (13-бет).

Кўриниб турибдики, унинг поэтик асарлари дидактик тарбиянинг муҳим воситаси сифатида ёш авлодни тарбиялашга хизмат қилади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Жиззах адабий муҳитининг намоёндалари шеърларида миллий ифтихор ва она Ватанга бўлган муҳаббат туйғулари ўзига хос йўсинда жаранглайди. Шоирлар она юртимизни унинг истиқболини ўзгача эҳтиром, миллий ифтихор билан тараннум этишади. Шу боис бўлса керакки, уларнинг шеърлари ўқувчиларни тасирлантиради, китобхонни ўзлигини англашга, миллий кадриятларини, элини севишга унинг учун, жон фидо қилишдек ватанпарварликка ундайди.

Демакки, “Поэзия бу субъективлик салтанатидир, бунда шоирнинг шахсияти биринчи планда намоён бўлади, биз ҳамма нарсани фақат ва фақат у орқалигина қабул

этамиз, англаймиз»⁴⁸ – экан, юқорида улар ижодида Ватан ва халқнинг порлоқ келажигини ўтмиши ва бугуни билан уйғунликда талқин этувчи образлар яратилганини шохиди бўлди.

ФИТРАТ ПЕДАГОГИК ҚАРАШЛАРИ

ЖДПИ *Соибназарова М.Н.* катта ўқитувчи

Фитрат ижодий меросининг муҳим қисман унинг публистик асарлари ташкил қилади. У ўз ҳаёти давомида юзлаб жанговар мақолалар, ўнлаб ижтимоий кескир рисоалар яратди. Биргина Туркистон матбуоти эмас, Афғонистон, Ҳиндистон, Туркия, Кавказ, Волгабўйи матбуотида фаол иштирок этди. Унинг илк рисоалари («Мунозара», «Баёноти сайёҳи ҳинди», «Оила» каби) форс тилида ёзилган ва кўтариб чиққан мавзу – масаласига кўра деярли ҳар бири бир воқеа сифатида ыбул ыилинган эди. Масалан, Фитратнинг илк асари драматик публицистикага мойил «Мунозара» замонанинг зайли билан тарихий тараққиётнинг икки поғонасида туриб қолган, дин ва дунё, жамият ва маърифат ҳақидаги икки хил кўз қарашга эга бўлган икки кишининг – «жадид» ва «кадим»нинг баҳси асосига қурилган эди.

Асар (1911 йилда Ҳожи Муин уни ўзбек тилида «Туркистон вилоятининг газети»да Бехбудий сўнг сўзи билан чоп этди)нинг тўла номи «Ҳиндистонда бир фаранги ила бухороли бир мударриснинг бир неча масалалар ҳам усули жадида хусусида қилгон мунозараси» эди. Муаллиф нуқтан назари фаранги тилидан ифодаланган бўлиб, у фақат Бухоронинг эмас, бутун ислом дунёсини таназзул ва бухрони сабабларини таҳлил қилади. Мударрис кифасида «тараққиёт ва маданият эшикларини Муҳаммад умматларининг юзига ёпган», «илми низом» таҳсилини ҳаром деб фатво берган, қудратли ва уюшган умматни «шиа, сунний, зайдий, ваҳобий номи билан фирка – фирка қилиб, бир – бирига душман қилиб қўйган», бутун эса уни жадид ва кадимга бўлиб, ўт билан сувга айлантирган. «Қуръони қарим амрларини шахватпараст ҳавойи нафси учун барбод этган» миллат хонлари тимсолини гавдалантиришга уринади. Усули жадид мактабини дин ва иймонни, Ватан ва Миллатни сақлаб қолмоқнинг бирдан – бир йўли деб кўрсатади. Муҳими шундаки, муаллиф бугунги Оврупо цивилизациясининг манбаи Шарқ эканлигини, илм, ахлоқнинг, давлат ва жамиятни бошқарувнинг асл андозалари ислом маданиятидан олиниб, тараққий эттирилганини, унинг асл эгалари эса, ўз мулкларини тамом умутиб, овруполиларга муҳтож қолганини фаранги тилидан рад қилиб бўлмайдиган далиллар билан исботлаб беради. «Мунозар» номланишидан кўриниб турганидек, икки кишининг баҳси асосига қурилган, жанрига кўра анъанавий мунозаранинг насрий кўриниши, икки киши иштирокидаги ўзига хос драматир. Мударрис ва фарангиз қарашлари бир – бирдан ер ва осмон қадар узоқ, баҳс мавзун – даврнинг долзарб муаммоларидан усули жадидага муносабат. Бош гоё – чинакам эътиқодни улуглаш, хурофотни қоралаш. Ақл ва билимни, унинг самараси бўлган тараққиёт ва фаровонликни ҳимоя қилиш. Шу муносабат билан у машҳур усмонли инқилобчилари

⁴⁸ Султон И. Адабиёт назарияси. – Тошкент.: Ўқитувчи. 1980 108-бет.